O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2004-YIL ■ 15-APREL ■ PAYSHANBA ■ 46 (27.221) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

**ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ**

## «ШОХПАХТА»НИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Ўтган асрнинг 70-йилларида ишга туширилган Устюрт минтақасидаги «Шохпахта» газ конида қазиб олинаётган хомашё миқдори камайиб кетганлиги сабабли бундан икки йил олдин тўхтатилган эди.

Қолдиқ захирага эга бўлган эски конга қайта жон бағишланадиган бўлди. Кеча пойтахтнинг «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Ўзбекнефтгаз МХК ва Россиянинг «Газпром» ОАЖ томонидан «Шохпахта» конида газ қазиб олишни давом эттириш бўйича битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур битим Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ва Россия Федерацияси Президенти В.Путин ўртасида ўтган йили Самарқанд шаҳрида эришилган келишувларнинг амалий натижасидир.

Имзоланган битимга кўра, конни ўзлаштириш учун 2004-2007 йилларда газ қазиб олишга илғор технологияни жалб этган ҳолда ва ҳавони сиқиб берувчи янги компрессор шахобчасини қуриш йўли билан 15 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри инвестиция киритилиши мўлжалланмоқда. Мазкур сармоялаш лойиҳасининг амалга оширилиши Қорақалпоғистон Республикасида 120 нафар янги ишчи ўринларини яратади.

Битимнинг амал қилиш муддати 15 йил. Лойиҳанинг муҳим томонларидан бири шуки, сармоядорга бирон-бир имтиёз ёки енгиллик тақдим этилмайди. У ўзининг фойдаси улушидан Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимлар ҳақида»ги Қонунида кўзда тутилган барча солиқлар ва тўловларни амалга оширади.

**Бобо САРОЙИЙ**



## ПИТНАКЛИК БУНЁДКОРЛАР

Ҳазорасп туманидаги Питнак қурилиш материаллари комбинати очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг 230 кишилик бунёдкорлар жамоаси ўтган йили 53 миллион 704 минг сўмлик пудрат ишларини бажариб, 215 миллион сўмлик халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарди.

— Асосан йиғма темир-бетон маҳсулотлари ҳамда товар-бетон ишлаб чиқараяпмиз, — дейди жамият бошқаруви раиси Илҳом Қўчқоров. — Қурувчиларимиз яқинда Амударё узра бунёд этилган кўприк қурилишида ҳам фаол иштирок этишди. Ишлаб топилган фойдамизнинг бир қисмини акциядорларимизга дивиденд сифатида тарқатдик.

**Суратда:** темир-бетон буюмлари цехи устаси Даврон Аминов бетончи Одилбек Жумабоевлар иш жараёнида.

**Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

## МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЯДИ

Асосан қоракўлчиликка ихтисослашган Конимех туманидаги «Сарибел» ширкат хўжалиги тадбиркорлари маҳаллий хомашё — қўй терисидан чарм курткалар тикиш кичик корхонасини ташкил этишди. Бу ўнлаб маҳаллий йигит-қизларнинг чўл шароитида муқим иш ўринлари билан таъминланишида муҳим омил бўлди. Ўтган йили улар атиги 25 дона куртка тикиб чиқаришган бўлишса, жорий йилда эса 280-300 тага етказишни мўлжалламоқдалар. Шунингдек, маҳсулот турларини кўпайтириш мақсадида бошқа кийимлар тикиш ҳам йўлга қўйилди.

— Яқин орада қўй жуни ва қўзи терисидан бежирим маҳсулотлар тайёрлашга ҳам киришамиз, — дейди корхона раҳбари Нозим Мамажонов. — Ҳозир хориждан зарур асбоб-ускуналар келтираяпмиз.

**Музаффар ШАРОПОВ**

## ИЛМИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейида Эрон Ислом Республикаси маданият ваколатхонаси ҳамкорлигида «Шайх Саъдий ва ўзбек адабиёти» мавзуида илмий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбек ва эрон олимларининг форс-тожик мумтоз адабиётининг йирик намояндаси Саъдий Шерозий ва унинг ўзбек адабиётидаги ўрни ҳақидаги маърузалари йиғилганларда чуқур таассурот қолдирди. Шунингдек, шоирнинг «Гулистон» асаридан шеърий парчалар ўқилди.

Анжуманда Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Фатҳали иштирок этди.

**Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА**

**Тадбир**

## ТАБИАТ БАРЧАМИЗ УЧУН ЯГОНАДИР

Миллий матбуот марказида Ғарбий Тяншань биохилма-хиллигини асраш бўйича Марказий Осиё чегаралараро Лойиҳасининг Ўзбекистон Миллий бўлими томонидан «Табиат барчамиз учун ягонадир» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Унда маҳаллий ва хориж оммавий ахборот воситалари вакилларига Лойиҳанинг мақсад ва вазифалари ҳамда ҳозирги фаолияти ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Маълумки, Ғарбий Тяншань биохилма-хиллигини асраш бўйича Жаҳон банкининг Марказий Осиё чегаралараро Лойиҳаси уч давлат — Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистонда амалга оширилмоқда. Ушбу ҳудуд табиий жиҳатдан жаҳондаги ўта муҳим экорегионлардан ҳисобланади. Ундаги ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг хилма-хиллиги, сақланиб қолган табиий экотизимнинг мавжудлиги ҳамда ниҳоятда бой, бироқ нозик табиий заҳиралари билан янада қимматлидир.

Лекин айни пайтда ушбу ҳудуд биохилма-хиллигининг сақланишига хавф туғилмоқда. Шу боис бу муаммога мамлакатимизда катта эътибор берилмоқда ва унга бутун дунё эътибори ҳам жалб этилмоқда.

Анжуманда Лойиҳага киритилган Чотқол қўриқхонасининг регионда биохилма-хилликни сақлашдаги роли ва бу ҳудудда амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича сўз юритилди, мутахассисларнинг фикрлари тингланди, қизғин савол-жавоблар бўлди.

Анжуман сўнгида Чотқол табиатига бағишланган энг яхши асарлар, (ҳикоя, мақола, радиоэшиттиришлар, телекўрсатувлар, тасвирий санъат) учун эълон қилинган танлов якунлари маълум қилинди. Танлов ғолибларига диплом ва пул мукофотлари топширилди.

**Норбобо ШАКАРОВ**

**КАРТОЧКА БИТТА:**

## ХИЗМАТ ЭСА — ҲАМ ТЕЛЕФОНДА, ҲАМ ИНТЕРНЕТДА

Тошкентдаги «ЮНИТЕХ» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси мамлакатимизда ахборот ва телекоммуникация тармоғи хизматини юксак замонавий талаблар даражасига кўтаришда катта аҳамият касб этаяпти. Корхона аҳолига телефон ва Интернет карточкалари орқали хизмат кўрсатаётган кўплаб компаниялар сингари мижозлари учун битта карточкадан ҳам телефонда, ҳам Интернетда фойдаланиш имконини яратди. Яна бир муҳим жиҳати — мижозлар хизмат учун 39 фоизгача чегирма нархдан ҳам фойдаланадилар.

Ҳозир мазкур қўшма корхонага тегишли бўлган компаниянинг 200 дан ортиқ савдо шахобчалари республикамиз ҳудудида муваффақиятли ишлаб турибди. Яқин вақт ичида уларнинг сони яна икки бараварга кўпаяди.

**Дилбар ЮСУПОВА,**
**ЎзДЖТУ қошидаги академик лицей талабаси**

## ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК САРИ

Одамларни қийнаётган муаммолардан бири унинг ҳуқуқий жиҳатдан тўлақонли билимга эга эмаслиги, яъни ҳуқуқ ва бурчини етарли билмаслигидир. Аслида, саводсизлик жамият тараққиётига тўсиқ бўлаётган ижтимоий иллат сифатида баҳоланади.

Наманган давлат университети, вилоят ички ишлар бошқармаси, вилоят оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимининг қўшма қарорига кўра НамДУ қошида ишчи гуруҳи фаолият бошлади. Ишчи гуруҳ зиммасига ҳуқуқий тарғибот ишларидан ташқари университетнинг ҳуқуқшунослик факультети 2-,3-,4-курси талабаларини қишлоқларда истиқомат қилаётган фуқароларга беғараз ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга жалб этиш, бу борада тегишли шароитлар яратилишига эришиш вазифаси ҳам юклатилган.

Бу эзгу қарор аҳоли томонидан зўр умидворлик билан кутиб олинди.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## СУВНИ КОМПЬЮТЕР ТАҚСИМЛАЙДИ

АҚШ халқаро ривожланиш агентлиги (ЮСАИД) Андижон вилоятида сув заҳираларини бошқаришга техникавий ва молиявий ёрдам кўрсатмоқда.

Вилоятдаги энг асосий обиҳаёт манбаи бўлган «Пахтаобод» канали секундига 40 кубометр сув ўтказади. Каналдан вилоятдаги 21,5 минг гектар ер суғорилади.

ЮСАИД маблағларига компьютер ва ускуналар сотиб олиниб, Тешиктош гидроузели ҳамда каналдаги асосий сув тақсимланадиган учта жойга ўрнатилди. Эндиликда хўжаликларга сув асосий бошқарув пултидан тақсимланяпти.

Бундан ташқари, ЮСАИДнинг моддий кўмагида вилоятда об-ҳавони олдиндан аниқлаш замонавий станцияси барпо этилди. Бу эса табиий офатларнинг олдини олишда қўл келаётир. Мабодо сел, сув тошқинлари юз бергудек бўлса, компьютер ёрдамида ортиқча сувлар Қорадарё, Тентаксой ва Мойлисойга ташланмоқда.

**«Туркистон-пресс»**

*Иқтидорли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи*

## ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

***Станислав ШВЕДЧИКОВ В. Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи 5-синф ўқувчиси.***

У 1992 йилда Тошкент шаҳрида туғилган.

Ўтган йили Грециянинг Марнополо шаҳрида пианиночилар ўртасида ўтказилган йирик халқаро кўрик-танловда ғолиб бўлган. Унда иштирок этган Япония, Руминия, Польша, Болгария, Россия, Арманистон, Грузия, Қозоғистон каби давлатлар мутахассислари Станиславнинг ижро маҳоратига юқори баҳо бердилар.

Станиславнинг репертуаридан Бах, Бетховен, Шопен каби жаҳон мумтоз мусиқаси намояндалари яратган дурдоналар ўрин олган.

Унинг орзулари кўп. Республикамиздаги таниқли мусиқа муаллими, устози Алла Ким раҳбарлигида катта мусиқа байрамларига тайёргарлик кўрмоқда.

Станиславнинг айтишича, унинг ютуқларида онаси Марина Плазинскаянинг ҳам ҳиссаси катта.

**Фаррух ҲАМРОЕВ**

✧✧✧

**Шавкат АКРАМОВ олган сурат**



**Москвада Ёзувчилар уюшмалари халқаро ҳамжамиятида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қаипбергенов қаламига мансуб «Письма на тот свет, Дедушке» («Нариги дунёга, бобомга хатлар») китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Асар Ёзувчилар уюшмалари халқаро ҳамжамияти, бошқа қатор ташкилотлар ва фуқароларнинг кўмагида Москвадаги «Мир» нашриётида чоп этилди.**

## МОСКВАДА ОРОЛ ФОЖИАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЯНГИ КИТОБ

Тадбирда Оролни экологик инқироздан сақлаб қолиш муаммоси билан узоқ йиллар давомида шуғулланиб келаётган таниқли ёзувчи, олим ва журналистлар тўпланди. Улар Т.Қаипбергеновнинг янги китоби аҳамияти тўғрисида фикр юритиб, Орол ҳалокатини «отанинг ўлими, Амударё ва Сирдарёнинг қуриб қолишини эса онанинг ўлими» билан тенг кўраётган халқнинг оғир қайғусига эътиборни қаратди.

Ёзувчи ўзининг янги асарини тақдим қилиб, Орол фожиаси ҳақида турли даражада мунтазам бонг уришдан чарчамаётганини таъкидлади. Т.Қаипбергеновнинг 1989 йилда Оролбўйи фожиасига бағишлаб қилган чиқиши ҳалигача одамлар хотирасида сақланган. Ўшанда академик Андрей Сахаров унинг сўзларидан таъсирланиб қуйидагиларни ёзган эди: «қамрови ва давомли оқибатлари билан уни сўнгги жаҳон фожиаларига қиёслаш мумкин... Анжумандаги бу чиқиш ўта кучлилардан бири бўлди».

Анжуманда сўзга чиққан аксарият иштирокчиларнинг фикрича, Қаипбергенов китоби нафақат ҳақиқат эътирофи, балки денгизнинг қуриётгани, халқнинг азоб-уқубат тортаётгани, табиатнинг ҳалок бўлаётгани боис дард-алам изтиробларига тўла инсоннинг том маънодаги қалб нидоси ҳамдир.

Тадбир қатнашчилари Т.Қаипбергенов китобини жаҳоннинг етакчи тилларида чоп этиш ва уни дунёнинг ҳамма чеккаларида тарқатиш таклифи билан ЮНЕСКОга мурожаат этиш таклифини қўллаб-қувватлашди. Зеро, Оролнинг ер сатҳидан йўқолиши — бу бир халқ ёки бир мамлакат эмас, балки бутун сайёрамиз ўз бошидан кечириши мумкин бўлган кулфат ва мусибатдир.

**«Жаҳон» АА**

*«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар*

## «ОЛОМОНЛИК ОҚИБАТЛАРИ»

**Газетанинг шу йил 11 март сонида «Оломонлик оқибатлари» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда Андижон вилоятининг Балиқчи туманидаги Эшончек маҳалласида рўй берган бир воқеа бўйича суднинг 13 фуқарони айбдор топганлиги хусусида гап юритилиб, ушбу ҳолат юзасидан ҳуқуқшуносларнинг турли фикр-мулоҳазалари қаламга олинган эди. Яқинда Олий суддан жавоб хати келди.**

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2004 йил 11 мартдаги сонида чоп этилган «Оломонлик оқибатлари» номли мақола бўйича О.Исаков, Д.Мираҳмедов, К.Усманов ва бошқаларга оид жиноят иши Олий судда текшириб чиқилди.

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди апелляция инстанциясининг 2003 йил 15 декабрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг 2003 йил 24 октябрдаги ҳукмига кўра, О.Исаков, Х.Узаков, З.Мамадалиев, К.Усманов, М.Деҳқонов, К.Холдаров, Ш.Юнусов, Н.Хожиматов, Д.Мирзаҳмедов, О.Махмудов, Н.Худойбердиев, Ғ.Узаков ва Ғ.Ильяминовлар Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддаси 2-қисмининг «ж,п» бандлари бўйича О.Исаков, Х.Узаков, К.Усманов ва М.Деҳқоновлар 16 йилдан, К.Холдаров, Ш.Юнусов ва Н.Хожиматовлар 15 йилдан, З.Мамадалиев, Д.Мираҳмедовлар ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 13 йилдан, О.Маҳмудов ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 12 йил, Н.Худойбердиев ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 11 йил, Ғ.Узаков ва Ғ.Ильяминовлар ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 10 йилдан озодликдан маҳрум этиш жазосига судланганлар ҳамда О.Исаков, Х.Узаков, З.Мамадалиев, К.Усманов, К.Холдаров, Ш.Юнусов, Н.Хожиматов, Д.Мираҳмедов, О.Маҳмудов ва Н.Худойбердиевларга нисбатан 2003 йил 1 декабрдаги амнистия акти 6-моддасининг «б» банди татбиқ этилиб, тайинланган жазонинг ўталмаган қисми бешдан бирига, Ғ.Узаков ва Ғ.Ильяминовларга нисбатан шу амнистия акти 6-моддасининг «а» банди татбиқ этилиб, тайинланган жазонинг ўталмаган қисми тўртдан бирига қисқартирилган.

Жиноят иши Олий судда ўрганиб чиқилганда ушбу ишни судда кўришда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талабининг иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқилиши лозимлиги ҳақидаги талабларига тўла риоя қилинмаганлиги аниқланди.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига суд қарорларини бекор қилиб, жиноят ишини янгидан судда кўриш учун юбориш масаласида протест билдирилди».

**Н.НАРМУРАДОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати раисининг ўринбосари**

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

QUVAMEBEL
«QUVA MEBEL» XONADONINGIZ FAYZI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

Ўтмиш сабоқлари

# ОЛТИН, КУМУШ ТОШ ЭКАН...

## ЁКИ ЯҚИН ЎТМИШДА БИР БУРДА НОН ҚАЙҒУСИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН ЭКАНИ, ФАҚАТ ИСТИҚЛОЛ ТУФАЙЛИ ДОНИМИЗ МЎЛ, РИЗҚИМИЗ БУТУН БЎЛГАНИ ҲАҚИДА

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ноннинг таъмини одамлар тош асридаёқ билиб олишган. Авваллари ёввойи одамлар ёввойи буғдойларни териб, озиқланиб юришган. Сўнг улар буғдойни янчиб, сувга аралаштиришни ўйлаб топишган. Шу тариқа илк нонлар пайдо бўлган. Биринчи нон буғдой ёрмасига сув қўшилмасдан тайёрланган. Яъни у суюқ ҳолда истеъмол қилинган. Инсонлар оловдан унумли фойдаланишни ўрганиб олишгач, ҳозирги нон шакли пайдо бўлган. Айрим Осиё мамлакатларида ҳозир ҳам суюқ нон истеъмол қилинади.

Қадимги Мисрда қабул қилинган тез ёзиш усулида қуёш, олтин ва нон бир хил белги билан — ўртасида нуқтаси бўлган доира шаклида ифодаланган. Яъни, нон олтин ва қуёшга тенглаштирилган.

Нон қадимдан Ўрта Осиё халқларининг энг азиз неъмати бўлган. Унинг ушоғини ерда кўришса, дарҳол олиб ўпиб, кўзларига суртишган. Халқ ўзи истеъмол қиладиган ғаллани ўзи етиштирган.

Фақат юртимиз чор Россияси томонидан истило қилингач, аҳвол ўзгарди. Сабаби, мустамлакачиларга ғалла эмас, биринчи навбатда пахта керак эди. Улар ўлкада ғалла ва бошқа озуқа экинлари майдонларини камайтириб, пахта майдонларини кенгайтириш сиёсатини юргиздилар. Масалан, 1885 йилда Туркистонда пахта майдонлари 41,1 минг танобни ташкил қилган бўлса, 1915 йилга келиб 541,9 минг танобга етди, яъни ўн уч баробар ўсди. Оқибатда ўлка ғалла мустақиллигидан маҳрум бўлди. Пахтачиликни ривожлантириш эвазига, яшаш учун зарур бўлган бошқа неъматларни етиштириш камайди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи кўтарилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан чайқовчилик қилиш кучайди.

1917 йил октябрда Петербургда бўлган давлат тўнтаришидан кейин бошланиб кетган фуқаролар уруши йилларида эса аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, нон билан таъминлашда мушкул аҳвол юзага келиб, қаҳатчилик бошланди.

Коммунистлар тузган тузум 70 йил мобайнида мамлакатга ғалла мустақиллигини раво кўрмади. Ҳатто 80-йиллар бошида қабул қилинган «Озиқ-овқат дастури» ҳам бу муаммони ҳал этмади. Мамлакат ҳукумати ер ости ва устидаги табиий бойликларни — ёғоч, газ, нефть, пахта, олтинни аямай хорижга сотиб, четдан ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари келтириб, дўкон пештахталарига чиқариб турди. Етмиш йил мобайнида икки марта (1918-22 йилларда, 1932-33 йилларда) қаҳатчилик бўлиб, миллионлаб кишиларнинг ёстиғи қуриди.

Ёзувчи Александр Неверов «Тошкент — нон шаҳри» деб номланган асарида 1921-22 йиллари Волга бўйида юз берган очлик ва унга қарши олиб борилган кураш ҳақида ҳикоя қилади.

Қисса деҳқон оиласидаги очликни тасвирлашдан бошланади. Ота ўлган, она овқатсиз қолиб, касалликка чалинган. Оилада бошлиқ бўлиб қолган ўн икки ёшли Мишка Додонов ўзидан бир ёш кичик ўртоғи Сережка Карпухинни Тошкентга нон олиб келгани боришга кўндиради. Аммо Карпухин йўлда терлама касалига чалиниб вафот этади. Китоб қаҳрамони умрида кўрмаган Тошкент ҳақида ўйлайди, ўн беш қадоқ буғдой билан икки қоп қотган нон унинг кўз ўнгидан нари кетмайди. Дам у поездга, дам бу поездга миниб Тошкент сари интиларкан, йўлда очлик сабаб ҳолдан тойган, жон таслим қилган юзлаб одамларни кўради.

Лекин ўшанда «нон шаҳри» бўлган Тошкентнинг ўзида ҳам фожиали ҳодисалар бўлаётган эди.

Уйимизда бобомдан қолган, 2х2,5метр ҳажмдаги эски қизил туркман гиламни бор. Бу гиламни бобом 1921 йилда Қўйлиқда туркманлардан бир қоп шолига алмаштириб олганлар. Шунда отам бобомга дакки берган эканлар: «Нега омборимизда турган шолини гиламга алмаштирдингиз, ота, гиламни еб бўлмайди-ку! Эртага шолимиз тугаса, нимани еймиз, юртда ғалла тақчил бўлса? Ҳозир дон асраган жон асрайди-ку!»

— Ўшанда мамлакатда бошланган қаҳатчилик туфайли Волга бўйи аҳолиси, Фарғона водийси, Хоразм томонлардаги аҳоли тўзиб, анча қисми бир бурда нон излаб Тошкентга келганди, — деб эсларди отам ўша даҳшатли йилларни. — Тошкент — нон шаҳри, деган гап ҳам ўшанда чиққан. Сабаби, Тошкент атрофида шоликорлик ривожланган, ҳар бир деҳқон хонадонининг икки-уч сандиқ шолиси бор эди. Шу боис ерлик аҳоли қаҳатчиликдан кўп азият чекмади.

Бизнинг Хонобод қишлоғи халқи гузарида катта дошқозон қуриб, мусофирлар учун бир маҳал шулон (жўхори, ловия, гўшт ва бошқа масалliқлар солиб пишириладиган суюқ овқат — *муаллиф.*) қайнатиб бера бошлади. Очликдан тинка-мадори қуриган кишилар бир чўмич шулон олиш учун навбатда туриб, дошқозонга тушиб кетгудек бўлишарди.

Ёзувчи Максим Горькийнинг шўро тузуми даврида ҳеч бир китобига киритилмаган, фақат ошкоралик даврида эълон қилинган «Бемаврид мулоҳазалар» публицистик асари бор. 1918 йилда «Новая жизнь» газетасининг бир неча сонида эълон қилинган бу асарда В.И.Ленин бошлиқ коммунистлар Петербургда амалга оширган давлат тўнтариши, ундан сўнг мамлакатда юргизилаётган ички сиёсат ва хунрезликлар қаттиқ қораланган. Мазкур асарда шундай сўзларни ўқиш мумкин: «Черковлар, ҳарбий музейларни талаб, сотиб юбормоқдалар, тўпу милтиқларни сотишаяпти, интендент заҳираларини ўғирлашаяпти, собиқ улуғ князлар саройларини таламоқдалар, ниманики сотиш мумкин бўлса — сотмоқдалар. Феодосияда аскарлар ҳатто одамлар билан ҳам савдо қилишаяпти: Кавказдан турк, арман, курд аёлларини олиб келиб, ҳар бирини 25 сўмдан сотишаяпти. ...Бунга ўхшаш нарса ҳатто улуғ француз инқилоби даврида ҳам рўй берган эмас».

30-йилларнинг бошида ва ундан аввалроқ мулк эгалари солиқ сиёсати билан иқтисодий қисувга олиниб, «синфий кураш» кучайтирилди. Оқибатда 1913 йилгача хорижга ғалла сотган мамлакатда яна иқтисодий танглик юзага кела бошлади.

Шунда ВКП (б)даги ўнг кучлар чет элдан ғалла сотиб олиш масаласини қўйишади. Бунга жавобан ВКП(б) Марказий Қўмитасининг 1929 йил апрель ойида бўлган пленумида Сталин «ВКП(б)даги ўнг оғмачилик»ни танқид қилиб, унга Бухарин, Риков, Томский томонидан 1929 йил 9 февралда қўйилган айбни инкор қилади.

Сталинга қўйилган айбнома учта эди: а) сиёсатда деҳқонларни ҳарбий-феодалларча эксплуатация қилиш; б) сиёсатда бюрократизмни қарор топтириш; в) сиёсатда Коминтернни парчалаш.

Сталин пленумда ўзини оқлаб сўзлаган, танланган асарларининг 12-жилдига кирган бу нутқида шундай гаплар бор: «Ниҳоят бир неча оғиз сўз ғалла импорт қилиш ва валюта заҳиралари ҳақида. Мен Риков ва унинг яқин дўстлари хориждан ғалла импорт қилиш масаласини бир неча марта қўйганликларини айтиб ўтдим. Риков дастлаб 80-100 миллион пуд ғалла олиб келиш лозимлигини айтди. Бу валютада 200 миллион сўмни ташкил этади. Кейин у 50 миллион пуд ёки валютада 100 миллион сўмлик ғалла олиб келиш масаласини қўйди. Биз бу ишни рад қилиб, чет элдан саноатимиз учун ускуналар олиб келишга ажратилган валютани сарфлагандан кўра, яхшиси кулакни қисиш керак, ундан ортиқча донни олиш лозим, унда ғалла оз эмас, деб қарор қилдик».

Сталиннинг «ғоявий такаббурлик билан» ғалла сотиб олишдан бош тортиши ҳамда чет эллик инсонпарвар бизнесменларнинг марҳаматини рад этиши миллионлаб кишиларнинг очликдан ўлишига сабаб бўлади.

Маълумотларга қараганда, Сталин билан Акмал Икромов ўртасидаги муносабатлар ёмонлашувининг сабабларидан бири республикани ғалла билан таъминлаш масаласи бўлган. Икромов партия Марказий Қўмитаси пленумларидан бирида сўзлаб, Ўрта Осиё республикалари, хусусан, Ўзбекистонга асосан пахта экиш вазифалари қўйилганлиги боис, барча экин майдонларига саноат хомашёси сифатида пахта экилаяпти, шу сабабли бу ҳудуд аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бошқача режалаштирилиши лозимлиги ҳақида гапиради. Яъни пахта экиладиган минтақалар озиқ-овқат маҳсулотлари билан саноат минтақалари сингари таъминланиши керак, дейди. Акмал Икромовнинг бу таклифи Сталинга ёқмайди.

1932-33 йилларда бутун мамлакатда қурғоқчилик бўлиб, ғалла битмайди. Бундан, айниқса, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари кўп жабр кўради. 1933 йили Бухарин Ўзбекистонга поездда келаётиб, Қозоғистон ҳудудида темир йўл бекатларида очликдан тинка-мадори қуриган, вафот этган минглаб кишиларни кўриб даҳшатга тушади. Тошкентга келгач, бу ҳақда Акмал Икромовга гапиради. 1938 йилда сўл троцкийчилар устидан бўлган судда Бухариннинг бу сўзлари унга айбнома сифатида тиркалади.

❖ ❖ ❖

Ўша пайтларда Ўзбекистонда ҳам ҳар бир маҳалла ва қишлоқдан ўнлаб кишилар очликдан вафот этган. Тошкентдаги Бўзсувда ўликлар оққан.

Онамнинг бурунларининг пастки қисмида, ўнг томонида кўм-кўк доғи бўларди. Бир кун мен онамдан сўраганман:

— Ойи, бурнингизнинг бу ери нега кўм-кўк?

— Келинлигимда олтин булоқи таққанман, ўша булоқининг ўрни бу. Мен қўйлиқлик бойнинг қизи бўлганман. Бобонг мени узатганларида кўп сеп қилганлар. Булоқимдан ташқари, тиллақошим, қўша-қўша тилла билак узукларим, тилла сирғаларим бўлган.

— Қани ўша тилла буюмларингиз?

— 1933 йилдаги қаҳатчиликда уйимизда егулик ҳеч вақомиз қолмаган. Ҳукумат шаҳарда тилла, кумуш буюмларга озиқ-овқат маҳсулотларини алмаштирадиган дўкон очган. Дадангтилла буюмларимни ўша дўконга олиб бориб, ун ва гуручга алмаштириб келганлар.

**Олтин, кумуш тош экан,**
**Арпа, буғдой ош экан,** — деб беҳуда айтмаган халқимиз.

❖ ❖ ❖

1941 йил июнда уруш бошланди. Душман қисқа вақтда Украина, Белоруссия, Болтиқ бўйи республикаларини истило қилиб, Москвага яқинлаша бошлади. Мамлакатнинг Европа қисмидаги кўплаб завод ва фабрикалар шошилинч равишда Сибир ва Ўрта Осиёга кўчирилади. Ўзбекистоннинг ўзига 270 та завод ва фабрика келтирилди.

1941 йил ноябрда эвакуация тўлқини юқори чўққига чиққанида республикада бир неча ойга етадиган ғалла қолганлиги маълум бўлади. Урушгача эса Ўзбекистон ўзига керакли ғалланинг учдан икки қисмини (10 миллион пуд) душман босиб олган республикалардан олиб келарди. Энди нима қилиш керак? Ҳар бир киши ҳар куни жилла қурса битта нон ейиши керак-ку!

Тошкентда вилоятлар раҳбарларининг шу масалага бағишланган кенгаши чақирилади. Усмон Юсупов йиғилишда сўзлаб шундай дейди: «Наҳотки биз мамлакат учун шундай оғир пайтда иттифоқ ҳукуматидан ўн миллион пуд ғалла сўрасак. Фронт қийинчиликларига қўшимча қийинчиликлар яратиш тўғрими? Йўқ, бу нотўғри бўлади, сурбетлик бўлади... Нима қилиш керак? Шундай қилиш керак: нон масаласини шу ернинг ўзида, Ўзбекистонда ҳал қилишимиз, ўзимизни ўзимиз таъминлашимиз керак.»

Йиғилишда республикада ғалла экиладиган майдонларни ярим миллион гектарга, ялпи ҳосилни эса 15 миллион центнерга (1941 йилда республикада 5,5 миллион центнер ғалла етиштирилган) етказиш вазифаси қўйилади. Ва юртимизда 1932-33 йиллардаги фожиалар такрорланишининг олди олинади.

Бу «ўзбошимчалик» оқибатсиз қолмади, албатта. Республикада ғаллачиликка эътибор кучайганлиги боис пахтачилик оқсай бошлади. 1943 йилга келиб, республикада пахтанинг ялпи ҳосили 500 минг тоннага тушиб қолди. Бу масала ВКП (б) Марказий Қўмитаси котибиятининг Щербаков раислигида ўтган йиғилишида муҳокама қилинди. «Ўртоқ Юсупов, нима, республикада пахта етиштиришни камайтириб, Қизил Армияни иштонсиз қолдирмоқчимисиз?!» — дейди Щербаков йиғилишда. Усмон отанинг эътирозлари инобатга олинмай, унга ҳайфсан берилади.

Урушдан кейинги икки йилда Украина ва Белоруссияда қурғоқчилик бўлиб, ғалла битмай, оғир вазият юзага келган. Шунда ўша пайтда Украина Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган Н.С.Хрушчев Сталин олдига кириб шундай дейди:

— Украинада очлик. Халқнинг истеъмол қилиши учун ҳатто қора нон ҳам йўқ.

Сталин пинагини бузмай:

— Қора нон бўлмаса, оқ нон беринглар халққа, — деган экан.

❖ ❖ ❖

Адашмасам, 1947 йил эди. Чирчиқ дарёси бўйида ўртоғим Анвар билан ўйнаб, чўмилиб, қорнимиз очгач, уйга бордик. Ойим ўз одатларига биноан бизни ҳурсанд бўлиб кутиб олдилар. Мен қорнимиз очлигини айтдим. Ойим: «Ҳозир мен қорнингизни тўйғазиб қўяман», дедилар.

Ойим супрани очдилар. Унда хамиртурушдан бўлак ҳеч вақо йўқ эди. Ойим хамиртурушни олдилар-да, қайнаб турган самовардан косага сув қуйдилар. Унга хамиртурушни солиб, анча вақт эздилар. Сўнг косадаги сувни тўкиб ташладилар. Бу ишни уч-тўрт марта такрорладилар.

Супрани қоқиб, ун юқларини бир сиқим қилиб йиғдилар. Уни ҳам хамиртурушга қўшиб, кичкина-кичкина иккита зувала ясадилар. Кейин ёнғоқ мағзини ховончада туйдилар. Қозонга олов ёқдилар. Эзилган ёнғоқ мағзини қозонга сурдилар. Кейин икки зувала хамирни кулча қилиб қозонга ёпдилар. Ўн-ўн беш минутда ойим ёпган «пиражка» пишди. Анвар иккимиз ўшани еб, яна дарё бўйига ўйнагани кетдик.

❖ ❖ ❖

Президент Ислом Каримов 1991 йилда Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилганида мамлакатда фақат бир неча кунга етадиган дон заҳираси қолган эди. Ўшанда халқ ўртасида яна дон маҳсулотлари тақчил бўлармиш, деган миш-мишлар тарқалганди. Ўзбекистон Миллий университетида ишлайдиган бир профессор танишим менга ўшанда ҳар куни уйига одатдаги икки буханка ўрнига, тўрт буханка нон олиб бориб, иккитасини кесиб қурита бошлаганлигини айтган эди. Фақат республика ҳукуматининг жадал чора-тадбирлари, хорижий мамлакатлар билан савдо-сотиқ бўйича битимлар имзолаганлиги боис республикада асосий озиқ-овқат маҳсулоти бўлган нон таъминотида узилишлар бўлишининг олди олинди.

1991 йилда республикада атиги 943 минг тонна ғалла етиштирилган. Шунгача аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган истеъмол буюмларининг 70 фоизи, доннинг 80 фоизи четдан келтирилган.

Мустамлака давридаги фожиалардан тўғри хулоса чиқарган Ўзбекистон ҳукумати мамлакат мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ ғалла мустақиллигини таъминлашга қаратилган Миллий дастурни ишлаб чиқди. Республика Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон ўзининг донга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплаш имкониятига эга эканлигини асослаб берди.

Ва пировардида, белгиланган дастур тўла амалга ошди. Сўнгги пайтларда йил сайин етиштирилаётган 5,4-5,5 миллион тоннадан ҳам зиёдроқ дон хирмонларимиз эндиликда фақат ўз эҳтиёжимизни қоплабгина қолмай, четга ҳам экспорт қилиш имконини бермоқда. Мухтасар қилиб айтганда, мустақилликда ўтган ўн икки ярим йил ичида ташқи иқтисодий фаолиятимиз нафақат кенгайди ёки ҳажман ўсди, балки унинг таркибида чуқур сифат ўзгаришлари ҳам рўй бераяпти. Бунинг тасдиғи ўрнида Юртбошимизнинг шу йил февраль ойида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2003 йил якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида айтилган мана бу сўзларни эсланг:

«Бугунги кунда биз жаҳон бозорига фақат анъанавий хомашёлар — пахта, рангли металлар ва бошқа маҳсулотлар чиқариш билан чекланиб қолаётганимиз йўқ. Экспорт таркибида тайёр буюмлар, чуқур қайта ишланган, яъни қўшилган қиймати анча юқори бўлган маҳсулотлар тобора катта ўрин эгалламоқда...

Айни пайтда пахтадан тайёрланган ип-калава ва газламалар, шунингдек, пластмасса ва кимёвий маҳсулотлар, автомобиллар, хизматлар ва бошқа маҳсулотлар экспорти кескин равишда ўсди».

Буларнинг ҳаммаси биз Истиқлолнинг илк кунлариданоқ ўтмишдан сабоқлар олиб, олтин, кумуш — шунчаки тош, арпа-буғдойгина ош эканлигини англаб, келажакка энг олижаноб мақсадлар ва муддаолар билан йўл олганимиздан ёрқин далолат.

**Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ,**
**ёзувчи**

ХДП хабари

# НАВБАТ — АМАЛИЙ ИШЛАРГА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг VII пленумида бу йилги муҳим сиёсий тадбир — ялпи сайловларда муносиб иштирок этиш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланган эди. Партиянинг жойлардаги ташкилотларида шу кунларда ўтказилаётган пленумларда бу масалага жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ХДП Хоразм, Сирдарё, Сурхондарё вилоят кенгашларининг бўлиб ўтган пленумларида вилоят партия ташкилотларининг бу борадаги вазифалари муҳокама қилинди. ХДП Хоразм вилоят кенгаши иккинчи котиби О.Абдуллаев, Сирдарё вилоят кенгаши биринчи котиби А.Қўчқоралиев ва Сурхондарё вилоят кенгаши биринчи котиби Ҳ.Эрматовнинг маърузаларида партия ташкилотлари ҳамда давлат ҳокимияти маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг 2003 йилги фаолияти таҳлил қилиниб, партия ташкилотлари олдида турган долзарб вазифалар — ХДП тизимида ўтказиладиган ҳисобот-сайлов мавсуми, мамлакатда бўлажак ялпи сайловларга тайёргарлик кўриш ва бошқа масалалар кўтарилди. Музокараларда сўзга чиққанлар партия ташкилотларининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги, жойларда огоҳлик ҳамда ҳушёрликни ошириш мавзусига қаратилган тадбирларни ташкил қилишдаги иштирокини кучайтириш ҳақида аниқ таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар.

Хоразм ва Сирдарё вилоят партия кенгашлари пленумларида ташкилий масалалар кўрилди. Баҳодир Бобожонов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Хоразм вилоят партия кенгаши биринчи котиби лавозимидан озод қилинди. Раимберган Собуров ХДП мазкур вилоят кенгаши биринчи котиби, Қаҳрамон Юсупалиев Сирдарё вилоят кенгаши иккинчи котиби этиб сайландилар. Сирдарёда ўтган пленумда партия Марказий Кенгаши котиби С.Усмонов, Хоразмда МК бош маслаҳатчиси С.Қурбонов сўзга чиқдилар.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ:

# ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

**Навоий.** Зарафшондаги «Велан» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган маҳсулотлар асосан туя жунидан тайёрланмоқда. Бу ерда кўрпалар, юмшоқ этиклар, белбоғлар, синача (камзул)лар ичига туя жуни солиб тикилаяпти.

Эътиборли томони — хомашёни маҳаллий аҳоли етказиб беради. Туячилик билан қадимдан шуғулланиб келган бу ернинг туб аҳолиси туя жуни шифобахш хусусиятга эга эканлигини яхши билишади, қолаверса, бу ҳақиқат жаҳон тиббиётида ҳам аллақачон ўз исботини топган.

Шу боис, қўшма корхона маҳсулотларига бугунги кунда нафақат вилоятлардан, балки қўшни давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқда. Негаки, мутахассислар фикрича, туя жунидан тайёрланган кийим-кечаклар айниқса, товон, тизза бўғинлари шамоллаши, артрит, асаб тизимлари ва бошқа хасталикларни даволашда катта самара бермоқда.

❖ ❖ ❖

**Суратда:** Зарафшон шаҳридаги «Велан» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси раҳбари Зинаида Дементьева буюртмачилар билан.



*Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат*

Таълим тизимида янги босқич

# КЕЛАЖАК МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ

## РЕСПУБЛИКАМИЗ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «2004-2008 ЙИЛЛАРДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОЙИШИ ЮЗАСИДАН САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА АНИҚ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНИБ, АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Таълим тизимидаги такомиллашув — ҳар қандай мамлакат тараққиётида муҳим омил. Бугун республикамизда олиб борилаётган босқичли ислоҳотлар жараёни бу соҳада ҳам шубҳасиз ўз самарасини бермоқда. Ҳукуматимиз томонидан олий, ўрта-махсус ва умумий ўрта таълим тизимлари фаолиятини юқори босқичларга кўтариш борасида кўплаб муҳим ҳужжатлар амалиётга тадбиқ этилаяпти.

Чунончи, Президентнинг умумий ўрта таълим мактаблари моддий-техника базаси ҳолатини танқидий баҳолаш ҳамда 2004-2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишга қаратилган Фармойиши айни муддао бўлди. Бу борада вилоятнинг барча туманларида **махсус ишчи гуруҳлари тузилди.** Улар ишлаб чиқилган сўровнома ва мактабнинг бир хил типдаги паспорти асосида жойлардаги мактаблар шароитини ўрганиб, паспортлаштириш ишларини ниҳоясига етказишди. Тайёрланган саккиз бўлимдан иборат хулосаларда аниқ фикрлар кўлами ўз ифодасини топди.

Вилоятда ҳозир 1185 та умумтаълим мактаби фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларда 57094 нафар педагог ходим 744,2 минг нафар ўқувчига таълим-тарбия бермоқда. Шунингдек, 729 та мактабгача, 91 та мактабдан ташқари таълим муассасаси, 41 та спорт мактаби, 18 та Меҳрибонлик уйи ва битта катталар таълим маркази ишлаб турибди.

Таълим муассасаларига услубий хизмат кўрсатиш аҳволини яхшилаш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳарда 23 фан бўйича 309 та услубий таянч мактаби ташкил этилди. Ушбу мактаблар жамоаларининг ташаббуси билан фан хоналари тўла жиҳозланиб, уларнинг моддий асоси бойитилди. Қишлоқ мактаблари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида шу йилнинг февраль ва март ойларида Каттақўрғон туманининг «Мойбулоқ», Нуробод туманининг «Жом», Қўшработ туманининг «Жўш» қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги билим масканларида амалий кўргазмали анжуманлар ўтказилди, услубий тавсиялар берилди.

Вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланган **«Умумий ўрта таълим мактабларини қайтадан қуриш, капитал ва жорий таъмирлашнинг 2004-2008 йиллар режа Дастури»**га асосан 2004-2008 йиллар мобайнида 179 та мактаб биноси янгидан қуриладиган, 350 та мактаб капитал ҳамда 614 та мактаб тўла жорий таъмирдан чиқариладиган бўлди. 42 та мактаб биноси авария ҳолатидан чиқарилиши белгиланди. Уларнинг намунавий паспортларини таҳлил қилиниши жараёнида **«Умумий ўрта таълим мактабларини мебеллар билан таъминлаш Дастури»** тайёрланди.

Ҳозирги кунда мавжуд 1185 та мактабда 24519 та синф хонаси бўлиб, уларда 47471 дона парта, 5121 та синф доскалари, 18612 дона стол-стул етишмайди. Шунингдек, мактаблардаги 767 та физика, 673 та кимё, 659 та биология фанлари лабораториялари хоналари талаб даражасида эмас. 804 та мактабда спорт заллари йўқ. Аксарият мактабларда сантехника, иситиш тармоқлари талаб даражасида эмас. Мавжуд 409 та компьютерлашган синфнинг атиги 129 та жуфтлигида замонавий компьютерлар ўрнатилган. 3 та таълим муассасаси интернет тармоғига уланган, холос.

Педагог ўқитувчи кадрлар етишмовчилиги масаласи ҳам анча-мунча муаммолар туғдирмоқда. Жумладан, фанлар бўйича 929 нафар (118 нафар кимё, 100 нафар она тили, 99 нафар тарих, 93 нафар география каби) асосий фан ўқитувчилари етишмайди. Устига-устак, фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг 32 фоизи ўрта махсус маълумотга эга. Шу боис, ҳозир вилоятда таълим тизимига кадрлар тайёрлаб бериш базалари — Самарқанд давлат университети ва чет тиллар олийгоҳи билан ўзаро ҳамкорликни кучайтиришнинг аниқ чора-тадбирлари ҳам белгилаб олинмоқда.

**Мусаввара ЖУМАЕВА, Самарқанд туман халқ таълими бўлими мудири:**

*— Туманимизда 66 та умумтаълим мактаби бўлиб, шундан 43 таси замонавий, 23 таси мослаштирилган биноларда жойлашган. Ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра 11 та мактаб қайта қуришга, 17 таси реконструкцияга, 25 таси капитал ва 13 таси жорий таъмирга муҳтож. Туман бўйича 66 та мактабнинг барчасини паспортлаштириб, Дастурга киритишга тавсия этдик. 31 та мактабда спорт заллари мавжуд бўлса-да, уларни жиҳоз билан таъминлаш 20 фоизни ташкил этади, холос. Ўқувчиларни зарур дарсликлар билан таъминлаш даражаси ҳам 64 фоиз. Ўйлаймизки, белгиланган режалар ўз самарасини беради...*

**Муҳаммади АБДИЕВ, Каттақўрғон туманидаги 70-ўрта мактаб директори:**

*— Мактабимиз туманнинг энг чекка қишлоқларидан бирида. 500 нафардан зиёд ўқувчимиз бор. Бино жуда эски, дарслар икки навбатда олиб борилади. Замонавий воситалар ва спорт заллари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Кадрлар масаласидаги муаммоларимиз талай. Фан лабораторияларининг талабга жавоб бермаслиги ҳам машғулотлар жараёнига салбий таъсир ўтказмоқда... Мактабимиз паспортининг давлат Дастурига киритилиши бу камчиликларга барҳам беради деган умиддамиз.*

Халқ таълими вазирлиги томонидан тавсия этилган ўн бўлимдан иборат умумий ўрта таълим мактаблари намунавий паспорт лойиҳаси ишлаб чиқилди... Ишонамизки, фармойиш ижроси таълим тизимида янги босқични бошлайди ва келажакда таълим муассасалари моддий техника базаси мустаҳкамланиб, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш каби муаммолар ўз ечимини топади. Келажак мактабдан бошланади, ахир...

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

Тақриз

# МУСТАҚИЛЛИК МОҲИЯТИ

Инсоният ҳамиша ривожланишлар силсиласида олға интилаверади. Ғоялар, фикрлар тараққиётни, янги даврларни бошлаб беради. Руҳ уйғоқлиги, мозий сабоқларидан тўғри хулоса чиқариш, мустақиллик немати ҳақида изланишлар олиб боришни бугунги кун олдимизга долзарб вазифа сифатида қўймоқда.

Мен шу ўринда атоқли олим, профессор Алишер Азизхўжаевнинг «Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар» ва «Чин ўзбек иши» (2001, 2003 й.й.) номли китоблари тўғрисида фикр юритар эканман, қуйидаги ғояни келтириб ўтмоқчиман. Миллий мустақилликни қўлга киритиш, уни асраб-авайлаш, миллатни келажакнинг ойдин йўлларига олиб чиқиш истиқлолимиз ижодкори Президент Ислом Каримов номи билан боғлиқ. Юқорида зикр этилган асарларда муаллиф бу тарихий ҳақиқатнинг қандай юзага келгани, унинг ортида не-не мураккаб жараёнлар кечгани ва уларда ким қандай ҳаракат қилиб, ўзининг қай жиҳатларини кўпроқ намоён этганини синчиклаб кузатади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, тарихий ҳодисаларга баҳо беришда вақт мезонининг аҳамияти беқиёсдир. Зеро, қанча вақт ўтгани сайин ўтмишда юз берган муайян ҳодиса ва бирон-бир шахс ҳақидаги тасаввур тиниқлашиб, аниқ чизгилар тобора бўртиб кўринади.

Ютуқларимиз тўғрисида кўп ёзамиз. Бу жараённи қадрлаш ва эъзозлаш керак албатта. Чунки истиқлол мамлакатимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеа, халқимизнинг асрий орзу-умидлари амалга ошган тарихий-ҳуқуқий ҳодисадир. Мустақиллик Юртбошимиз айтганидек, «осмондан тушган шунчаки неъмат эмас», у курашлар, изтироблар ва қувончлардан иборат. Уларни ўрганиш ва тегишли сабоқ чиқариш муҳим. Шундагина хатога йўл қўймасдан мустақиллигимизни авайлаб-асрашни, унинг қадрига етишни ўрганамиз. Китоблардаги мақолаларни ўқиб, мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида эришилаётган ютуқлар осонликча қўлга киритилмаганлиги, янгилик билан эскилик ўртасида кураш оғир кечганига гувоҳ бўламиз. Собитқадамлик, сабр-тоқат, ақл-заковат, сиёсий тажрибага таянган ҳолдагина бу машаққатларни енгиб ўтиш мумкинлигини бизга вақтнинг ўзи кўрсатди. Профессор Алишер Азизхўжаев жонли ҳаётий далиллар, кузатишлар ва таҳлилларга асосланган ҳолда тарихий воқеа-ҳодисаларни холис ёритади.

«Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар» китоби иккита: «Фронт ортида фронт» ва «Бўҳронлар гирдобида» бобларидан иборат.

Маълумки, тоталитар тузум даврида миллий қадриятларимиз оёқости қилинди, ўзлигимиз унутилиб, муте, қарам одамларга айланиб қолган эдик. Ўтмишни унутишга, унда йўл қўйилган хатолардан хулоса чиқармасликка ҳаққимиз йўқ. Зеро, ҳақли равишда таъкидланганидек, тарихий хотирасиз келажак йўқ. Муаллиф шу боис ҳам «Наврўз: уйдирма ва ҳақиқат» ёки «Мустақил бўлсанг — мустақил бўл, давлат бўлсанг — давлат бўл», «Чин мусулмон ким?» каби бўлимларда истиқлолнинг ўзига хос ва мос одимларию, унинг бош меъмори Ислом Каримовнинг мардлиги, ички ва ташқи кечинмалари ҳақида ёзади.







Президентимиз томонидан айтилган «Мустақил бўлсанг — мустақил бўл! Давлат бўлсанг — давлат бўл!» иборасининг асл мазмун-моҳиятини тушуниб, бу йўлда хизмат қила олсаккина, юртимиз тинч, мамлакатимиз обод, мустақиллигимиз абадий бўлажак!» каби жумлалари кишини чуқур ўйлашга, фикрлашга даъват этади.

Иккинчи бобда «Халқнинг қаддини ғурур тиклайди» номли бўлим бор. Унинг номланишининг ўзидаёқ халқимиз, миллатимиз шаънига ниҳоятда холис ва тарихий-фалсафий жиҳатдан таъриф берилганки, буни алоҳида қайд қилмоқ керак. Муаллиф ёзади: «*Қисқа, 10 йилга етар-етмас давр ичида миллатнинг миллат, давлатнинг давлат бўлиши, ҳеч қандай қон тўкишсиз мустақиллигимизнинг қўлга киритилиши, иродаси букилган, руҳи эзилган, таҳқиру маломатга қолган ўзбекнинг, Ўзбекистоннинг ғурури, шони, номининг қайта тикланиши қайси инсоннинг номи билан боғлиқлигини бирор лаҳза ҳам ёддан чиқармаслигимиз лозим*».

Донишманд Ат-Тартуший X асрдаёқ давлатни бошқаришда подшоҳнинг роли ва ўрни ҳақида батафсил ифода қилиб, «шуниси эътиборлики, унинг (подшоҳнинг) жони битта, овқатни ҳам бир фуқарочалик ейди. Лекин биргина кулча еса-да, минглаб кулча ҳақида ҳисобот беради, бир товоқдан ош ейди, минглаб товоқ учун жавоб беради, бир турмушдан лаззатланади, минглаб ҳаёт ҳақида қайғуради. Шундай қилиб, ҳукмдор фуқароларнинг барча юкини ўз елкасида кўтаради, меҳнати ҳисобига уларга дам беради, душманларига қарши курашади, камчиликларни яширади», дея ниҳоятда одил ва ҳар томонлама тўғри таъриф берганлигини муаллифнинг иккинчи китоби — «Чин ўзбек иши»ни ўқиб ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин. Дарвоқе, юқоридаги доно фикрлар ўрта асрлар подшоҳлиги, салтанатлар бошқарувига мос, бироқ бу қарашлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бу ҳақда профессор Алишер Азизхўжаев қуйидагиларни келтиради: «*Бугунги кунда давлатларни подшоҳлар эмас, асосан президентлар, бош вазирлар бошқаради. Дунё харитасининг салмоқли қисмини салтанатлар эмас, республикалар ташкил этади. Тўғри, бугунги кунда бир кишининг иродасига бўйсунадиган мутлақ монархиялардан кўра халқнинг иродасига таянадиган демократик давлатлар улуши катта. Аммо бу ҳолат давлат бошлиғининг елкасидаги масъулиятни камайтирдими? Инсонлар ҳали-ҳануз ўзи билан ўзи овора эмасми? Кишилар ҳали ҳам уй-рўзғор ташвишлари билан банд эмасми? Ҳозир ҳам барчамиз ўз турмушимиз, ўз бола-чақамиз, ўз рўзғоримиз ғамини емаймизми? Баъзи фарзандларимизнинг тарбиясини эплай олмай ёки рўзғорни бутлай олмаганимизда дунё кўзимизга қоронғу кўриниб кетиб, ҳаётимиздан нолиб ҳам қўймаймизми? Лекин негадир ўз оиласидан ташқари бутун юрт ғамини еб яшаётган, ўз фарзандларидан ташқари ўзбегим фарзандларининг комил инсон бўлиб етишиши ҳақида қайғураётган, барча каби манфаат дардида эмас, миллат дардида ёнаётган, хуллас, барчамизнинг ташвишимизни қилаётган инсоннинг бундай беҳаловат ҳаётини одатий деб биламиз. Уйқу олдидан кўчада Президент кортежи ўтаётганида ҳавас қилиб қараймиз-у, бу одам шу пайтгача ишлаб, аслида сизу бизнинг тинч ва фаровон ҳаётимиз ғамини қилиб, ўз ҳаловатидан кечаётгани ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Унинг бундай куюнчак фаолиятига ва ташвишмандлигига кўникиб ҳам қолганмиз. Баъзида яқин қон-қариндошларимизнинг ташвишлари ҳам бизга ортиқчалик қилганида, бу кишининг миллионлаб ўзбекистонликлар ҳақида қайғуриб яшаётганига таҳсинлар айтишни унутиб қўямиз*». Нега?

Шарқликлар давлатни бир оила деб билади ва давлат бошлиғини ўз отасидек ҳурмат қилади. Айни пайтда эса давлат раҳбарининг елкасидаги юкни биз юртдошлари камарбаста бўлиб кўтаришимиз, Ўзбекистонимизнинг келажаги учун қайғуришимиз керак. Муаллиф асарнинг «Оникимйўқ халқ ғамидин ғами» бўлимида Йўлбошчимизнинг бунёдкорлик фаолияти ҳақида фикр юритиб, қисқа вақт ичида халқимиз ўз раҳбари бошчилигида улкан ютуқларни қўлга киритганига холис баҳо беради.

Бу ҳар иккала асар ҳам халқимизга яна бир бор мустақиллик моҳиятини англатишга хизмат қилади. Истиқлол туйғусини миллат қалбига сингдириб, озод овозимиз билан дунё ҳамжамиятига Ўзбекистон ҳақида, унинг танлаб олган йўли тўғрисида сўз айтишга ундайди.

**Карим НОРМАТОВ,**
**тарих фанлари доктори, профессор**

XORIJDA

## ЕВРОПА ИТТИФОҚИ: 15+10

Шу йилнинг 1 майида ўн мамлакат: Венгрия, Кипр, Латвия, Литва, Мальта, Польша, Словакия, Словения, Чехия ва Эстониянинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиши кутилмоқда. Мазкур воқеа муносабати билан Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида журналистлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда таъкидланганидек, бугунги кунда ўн беш давлатни бирлаштирган Европа Иттифоқи жаҳон миқёсида қудратли ва истиқболли ҳамжамият сифатида эътироф этилган. 1993 йил 1 ноябрда кучга кирган Маастрихт шартномаси Европа Иттифоқининг ҳуқуқий асосини яратди. Ҳамжамият иқтисодий ва сиёсий иттифоқни яратиш сари қадам ташлади. Шартномада кўзда тутилган мақсадлар, яъни Иттифоқ ҳудудида одамлар, товарлар, капитал ва хизматлар ҳаракати эркинлигига эришиш аъзо мамлакатлар суверенитетининг қисман Европа институтларига ўтишини таъминлайди. Айтиш керакки, 370 миллиондан ортиқ фуқаронинг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун ягона иттифоққа бирлашган Европа мамлакатлари умумий иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий мақсадларни кўзлайди.

Айтиш керакки, 1973, 1981, 1986 ва 1995 йиллардаги Иттифоқ кенгайишининг муваффақиятли тўрт босқичидан сўнг унинг аъзолари сони олтитадан ўн бештага кўпайганди. Мана энди Европа Иттифоқи 1998 йил мартида бошланган янги ва энг йирик босқични якунламоқда. Иттифоқнинг кенгайиши барқарорлик ва фаровонлик ҳудудини янги аъзоларга ёйиш йўли билан қўҳна қитъанинг янада интеграциялашувига қаратилган тарихий вазифа ҳисобланади. Дарвоқе, навбатдаги кенгайиш ўзига хосдир, зеро кўлам ва хилма-хиллик нуқтаи-назаридан ҳали бундай жараён бўлмаганди. Бу аъзо бўлиб кираётган мамлакатлар сонига, ҳудудларнинг ва аҳолининг ошишига, шунингдек, тарихий тажриба ва маданиятларининг хилма-хиллигига тегишлидир.

**Алишер РЎЗИЕВ**


Ирландия кўчаларида

## МАМЛАКАТДАН ЧИҚИБ КЕТИШ ТАВСИЯ ЭТИЛДИ

Маълумки, ўтган ҳафта охирларида Ироқнинг Ал-Фаллуж ва бошқа шаҳарларида Америка қўшинлари билан қўзғолончилар ўртасида содир бўлган қуролли тўқнашувлардан сўнг мамлакатда вазият кескинлашиб кетди. Шунинг учун Франция ва Россия ҳукумати Ироқда фаолият кўрсатаётган фуқароларига мамлакатдан чиқиб кетишни тавсия этди. Уларни кўчириш учун зарур чоралар кўрилмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ироқда фаолият кўрсатаётган Россиянинг «Интерэнергосервис» компанияси мутахассисларидан 8 нафари куни кеча ўғирлаб кетилган. Бу ҳақда Internetнинг «Газета.Ru» сайтида хабар тарқатилган.

«Интерэнергосервис»нинг 365 нафар ходими шу кунларда Ироқда ишламоқда. «Технопромэкспорт» ташкилотининг эса 370 кишидан иборат гуруҳи Боғдод яқинидаги «Юсифия» иссиқлик электр станцияси қурилишида иштирок этмоқда. Бугун-эрта уларни ҳам мамлакатдан кўчириб чиқиб кетиш тараддуди кўриляпти.

## ҚУРБОНЛАР ОРТИБ БОРМОҚДА

Индонезияда тарқалган ўткир юқумли касаллик — Денге безгаги оқибатида қурбон бўлганлар сони 634 кишига етди. Бу ҳақда мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълум қилди. Касаллик вирусларини ташувчилар чивинлардир. Шу боисдан касалга чалинганлар кўпайса кўпаймоқдаки, буни тўхтатишга ожизлик қилинмоқда. Шу кунларда 54 минг киши айнан безгак сабаб шифохоналарга ётқизилган. Уларни даволаш учун эса на шифокор етишади, на дори-дармон, дея ёзади Le Monde агентлиги.

## СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ СЎРОҚҚА БОРМАДИ

Ўтган ҳафта импичмент қўлланилиши натижасида лавозимдан четлаштирилган Литванинг собиқ президенти Роландас Паксас мамлакат бош прокуратураси томонидан расмий сўроққа чақирилган бўлишига қарамай бормади, дейилади ИТАР-ТАСС ахборотида. Унинг адвокатлари прокурорга Паксаснинг касаллиги тўғрисидаги тиббий маълумотномани кўрсатишди.

Бош прокуратура маълум қилишича, Паксас айрим масалалар бўйича, яъни махфий сақланиши лозим бўлган ахборотлар ошкор этилганлиги ва Президент сайловида унга ҳомийлик қилган бизнесмен Юрий Борисовнинг кейинчалик Президентга таҳдид қилганлиги борасида прокуратурага тушунтиришлар бериши лозим.

## ЯНГИ МУЗОФОТ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай мамлакатнинг янги — ўттиз тўртинчи Панжшер музофотини ташкил этиш тўғрисидаги декретга имзо чекди, дея хабарлайди ҳукумат вакили Ҳамид Элми берган манбага асосланиб «Ньюз» газетаси.

Панжшер Кобул шимолида жойлашган водий бўлиб, Ҳамид Элмининг айтишича, бу вилоят шу ерда яшовчи халқ илтимосига кўра, шу манзилда туғилган миллий қаҳрамон Аҳмад Шоҳ Маъсуд хотирасига ташкил этилди.

Маълумки, Афғонистондаги Шимолий альянснинг ҳарбий раҳбари бўлган Аҳмад Шоҳ Маъсуд 2001 йил 9 сентябрда террорчилар томонидан ўлдирилган.

Қонун барчага баробар

# ШАРТНОМА — ИНТИЗОМДИР

**Ўтган йили республика бўйича 230 та ширкат хўжалигида 34 минг, 12606 та фермер хўжалигида 83,2 минг тонна ғалла, 895 та ширкат хўжалигида 563,6 минг ва 23881 та фермер хўжалигида 334,9 минг тонна пахта сотиш бўйича тузилган контрактация шартномалари бажарилмади.**

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган маърузасида ишлаб чиқариш муносабатларига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни жойларда тузилаётган шартнома интизомининг қониқарсиз аҳволи билан боғлади.

Ҳақиқатан, шартномалар номигагина тузилаётганлиги, уларда томонларнинг мажбуриятлари, етказилган зарарни ундириб олиш чоралари аниқ акс этмаётганлиги бор гап. Бу айрим жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқларини яхши билмаслик оқибатидир. Хўш, фуқаролар, хусусан, раҳбарлар қачон бозор коньюктурасини яхши ўрганиб оладилар? Қачон шартнома мажбуриятларини бажариш одатий ҳолга айланади?

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалигининг пахтачилик тармоғида қонунбузилиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Масалан, Сирдарё вилоятида ўтган йил давлат буюртмаси асосида пахта экилиши лозим бўлган 1047 гектар, Жиззах вилоятида эса 9126 гектар ерга бошқа экинлар экиб юборилган.

Жиззах туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги мансабдор шахслари «Учтепа» пахта қабул қилиш корхонаси билан 143 гектар ерга пахта экиб, 406 тонна пахта сотиш юзасидан шартнома тузади. Пахта-ку экилмаган, қолаверса, ҳосил тўплаш учун берилган 23,1 миллион сўм миқдордаги транш маблағи ҳам бошқа мақсадларга ишлатиб юборилган.

Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги Ибн Сино номли ширкат хўжалиги раҳбарлари эса пахта экишга режалаштирилган 23,8 гектар ерни қонунга хилоф равишда фуқаро ва ташкилотларга тарқатишади. Оқибатда хўжалик 3,3 миллион сўм зарар кўради. Мана бу ҳолат янада аянчли: Беруний туманидаги «Олтинсой» ширкат хўжалиги томонидан статистика идорасига 1100 гектар майдонга пахта экилганлиги ҳақида ҳисобот берилган. Бироқ, ана шу ернинг 387 гектарида шоли ва бошқа экинлар етиштирилган. Бу ҳам етмаганидек, экиш мавсумида 11 миллион сўмлик 45 тонна чигит ортиқча сарфланган.

Жойлардаги ҳокимликлар, назорат идоралари ҳамда мансабдор шахслар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун ажратилган ер майдонидан мақсадли фойдаланишларни назорат қилиб боришлари лозим. Афсуски, деҳқон ва фермерларга ер майдонларини ажратиб беришда масъул бўла туриб ўзлари ҳар хил кўринишдаги товламачилик ҳаракатларини содир этаётганлигига гувоҳ бўлаяпмиз. Масалан, Уйчи туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги ер тузувчиси А.Тожибоев фуқаро М.Жакбаровга 2 гектар ер ажратиб бериш эвазига 870 минг сўм пулни пора тариқасида олган вақтида ушланиб, суднинг ҳукми билан 5 йил озодликдан маҳрум этилди. Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманидаги «Обод» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Р.Авезова 1 гектар ер ажратиш эвазига хўжалик пудратчиси И.Болтабоевдан 400 минг сўм, Урганч туманидаги «Ғалаба» ширкат хўжалиги 8-бўлими бошлиғи Ў.Жабборов эса 2 гектар ер ажратиш эвазига 900 минг сўм пулни пора тариқасида олган вақтида ушландилар. Ҳозирда ушбу ҳолатлар юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Режа ва шартномаларда белгиланган экинларнинг экилмаслиги оқибатида бир қонунбузилиш, иккинчи бир қонунбузилиш ҳолатига шароит яратиб бермоқда. Чунончи, Наманган вилояти «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасига қарашли «Чортоқ тола», «Тошбулоқ тола», «Косонсой пахта толаси», «Уйчи пахта тозалаш», «Гулбоғ пахта тозалаш» ва «Норин тола» акциядорлик жамиятларининг раҳбарлари томонидан 2003 йилги пахтани қабул қилиш ва қайта ишлашда жами 10,5 минг тонна пахта хомашёси камомади ҳамда қўшиб ёзилганлиги аниқланди.

Текширишлар давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари ижросини таъминлашда қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, республика бўйича 198 та кам рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари ўрнида фермерларни бошқариш учун ноқонуний ҳар хил шаклдаги агрохизмат, уюшма ва бошқа бирлашмалар ташкил этилган. Албатта, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар номига, фақат ҳисобот учун ташкил этилмаслиги зарур. Афсуски, 128 та минерал ўғитлар етказиб бериш шахобчасидан 16 таси, 138 та нефть маҳсулотлари сотиш шахобчасидан 12 таси, 118 та ташкил этилган банклардан 14 таси фаолият кўрсатмаётган экан. Буни қандай баҳолаш мумкин?

Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш давр талаби. Қишлоқ хўжалигининг келажаги уни бугун қандай ташкил қилиш ва қонуний ҳимоясини қандай таъминлашимизга боғлиқ. Фермер хўжаликларига ҳуқуқий-амалий ёрдам кўрсатиш жараёнида 2,8 минг гектардан ортиқ ер майдони қонуний эгаларига олиб берилиши таъминланди. Масалан, Гулистон тумани ҳокимининг 2003 йил 1 февралдаги 120-сонли қарори билан «Рустам» Ўзбекистон — Молдова» қўшма корхонасига 252,7 гектар ер майдони ажратилган бўлса-да, ер берилиши пайсалга солинади. Туман прокурорининг туман ҳокими номига киритган тақдимномасига асосан қўшма корхонага ер ажратиб берилди. Ёки Зафаробод тумани ҳокимининг 2002 йил 25 октябрдаги «Қўлимохиён» фермер хўжалигига «Мустақиллик» ширкат хўжалиги ҳудудидан ижарага берилган 12 гектар ер майдонини қайтариб олиш ҳақидаги қарори туман прокурорининг протестига асосан бекор қилиниб, фермернинг ҳуқуқи тикланди.

Хоҳлаймизми-йўқми, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ривожи техника ва улар учун зарур ҳисобланган эҳтиёт қисмлар таъминоти билан боғлиқ. Ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш учун техника ва унинг эҳтиёт қисмлари таъминотига жиддий эътибор бераётганлигининг сабаби ҳам шунда. Бироқ, зарур чоралар кўрилишига қарамай, тармоқ раҳбарлари ҳамда бошқа масъул шахслар томонидан мулкка хўжасизларча муносабатда бўлиш, техника ва эҳтиёт қисмларни талон-торож қилиш каби қонунбузарликлар учраб турибди.

Каттақўрғон туманидаги «Буюк Турон» ширкат хўжалиги раиси Қ.Ибрагимов мансабини суиистеъмол қилиб, хўжаликка тегишли 8,4 миллион сўмлик эҳтиёт қисмларни талон-торож қилганлиги ҳолати юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукми билан 4 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Шунга ўхшаш ҳолатлар Пайариқ туманидаги «Туркистон» ширкат хўжалигида, Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги Т.Аҳмедов номли хўжаликларида содир этилган.

Ажратилаётган транш маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш авж олаётганлигини текширишлар натижалари кўрсатмоқда. Ўтган йил қишлоқ хўжалиги корхоналарига иш ҳақи, техника хизмати, нефть ва кимё маҳсулот учун ажратилган транш маблағидан республика бўйича 4,2 миллиард сўм мақсадсиз сарфланганлигининг ўзиёқ кишида ташвиш туғдиради. Масалан, Қашқадарё вилоят дон маҳсулотлари акциядорлик уюшмаси тизими корхоналари мансабдор шахслари томонидан 272,7 миллион сўмлик транш маблағи мақсадли харажат қилинмаган ва қайтариш чоралари кўрилмаган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, республика бўйича пахтани қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналари томонидан қабул қилинган пахта хомашёсидан 103031 тонна чигит, 18096 тонна момиқ кам ишлаб чиқарилди. Куйинди эса белгиланган меъёрга нисбатан 7,84 фоизга ортган.

Сурхондарё вилоятидаги «Сариосиё пахта» акциядорлик жамияти товаршуноси Ф.Ҳидоевнинг моддий жавобгарлигидаги 9,5 миллион сўмлик 321 тонна, «Токчиён» пахтани қабул қилиш маскани товаршуноси Х.Жумаевнинг моддий жавобгарлигидаги 12,5 миллион сўмлик 495 тонна ҳамда «Обизаранг» пахтани қабул қилиш маскани товаршуноси Б.Мирзаевнинг жавобгарлигидаги 6,9 миллион сўмлик 234 тонна техник чигитдан камомад аниқланганлиги ҳолати юзасидан қўзғатилган жиноят ишлари судларга юборилди.

Деҳқон маҳсулотни етиштиради, омборхоналарга уни етказиб беради. Сақлаш омборхоналаридаги аҳвол қандай экан? Деҳқоннинг пешона теридан бунёд бўлган хирмоннинг сақланиши қанақа аҳволда? Шу ўринда «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар томонидан доннинг миқдор ва сифат жиҳатидан сақланишига қаратилган ишлар етарли даражада олиб борилмаганлигини алоҳида қайд этмоқ керак. Оқибатда Самарқанд вилоятида — 48,9, Жиззахда — 46,2, Андижонда — 43, Сурхондарёда — 40, Тошкент шаҳрида — 39,2, Қашқадарёда — 38,5, Хоразмда — 27,9, Наманганда — 22, Фарғонада — 20,5, Сирдарёда — 17,6, Тошкентда — 16,4, Навоийда — 8,7 ва Бухорода — 6,2 минг тонна, жами 378,5 минг тонна буғдой зараркунандалар билан зарарланган, сифати бузилган. Бу масаланинг бир томони. Омборхонада «каламуш»лар ҳам пайдо бўлганлигига нима дейсиз? «Жиззахдонмаҳсулот» акциядорлик жамиятининг элеватор омбор мудири К.Ражабов жавобгарлигидаги 227,1 миллион сўмлик 2944,9 тонна давлат заҳирасида бўлган буғдойни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган экан.

Учинчи ҳолга эътибор беринг. «Самарқанддон» акциядорлик жамияти томонидан Самарқанд ва Оқдарё туманларидаги ширкат ва фермер хўжаликларидан қабул қилиб олинган 155 тонна буғдой ва 598 тонна арпани уларнинг розилигисиз вилоят қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш жамғармасига бериб юборишади. Натижада хўжаликларга 38 миллион сўмлик зарар етказилган. Ўроқда йўқ, мошоқда йўқ, хирмондаги хўжайинларга қаранг!

Хуллас, ўтган йили прокуратура органлари томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасида аниқланган қонунбузарликлар юзасидан 29 мингдан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Айбдорлардан 2,6 миллион сўм маблағ судларга киритилган 2173 та даъво аризалари орқали давлат фойдасига ундирилди. Талон-торож этилган 5,7 миллион сўм мол-мулк маблағлари ихтиёрий равишда ундирилиши таъминланди. Қўпол қонунбузилишлар бўйича 442 та жиноят иши олиб борилмоқда.

Шундай хулосага келиш мумкин: барча юз бераётган ноқонуний ҳаракатлар замирида фуқароларнинг қонунларни билмаслиги, билганларининг эса унга итоат этмаслиги ётибди. Қонун жамиятни бошқарувчи кучга айланмас экан, мана шундай ҳолатлар чин дилдан меҳнат қилаётганлар манфаатига зарба бераверади, ривожланиш йўлига ғов бўлади. Тараққиётнинг йўли битта: қонунга оғишмай итоат этмоқ!

**Баҳодир ЗОҲИДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси.**
**Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

